ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1050-1054

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Махсуд Шерматов
ТВЧДПИ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада узлуксиз таълим тизими муассасаларида жисмоний маданият фанини ўқитишнинг долзарб масалалари ва таълим самарадорлигига эришишда инновацион педагогик ва ахборот технологиялари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, жисмоний маданият, таълим самарадорлиги, инновацион таълим технологиялари, самарадорлик, баркамол шахс, жисмоний камолот, жисмоний ривожланиш, саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи.

ABSTRACT

The article gives an idea of the actual issues of teaching the science of Physical Culture in institutions of continuous education system and innovative pedagogical and information technologies in achieving educational efficiency.

Keywords: lifelong education, physical culture, educational effectiveness, innovative educational technologies, efficiency, harmonious personality, physical maturity, physical development, health promotion, health promotion.

КИРИШ

Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини ривожлантириш орқали жамият ва давлатнинг малакали ва рақобатбардош замонавий мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ўзининг долзарблиги билан ўта аҳамиятлидир. Таълим тизими инсон ва жамиятнинг турфа хил таълимий эҳтиёжларини қондиришда кенг имкониятларни, билимларнинг аҳамияти ва нуфузини ошириши, шунингдек, мутахассисларни умумтаълим, умуммаданий, касбий ва илмий тайёрлашга қаратилган бўлиши ва улар олаётган билимларнинг фундаменталлигини таъминлаши шарт. Глобаллашув шароитида таълим ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг бош омили сифатида эътироф этилиб, жамиятнинг ўта муҳим қадрияти деб қаралмоқда. Унинг устувор ва ҳаракатлантирувчи кучи мустақил, ижодий фикрлашга, янги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1050-1054

билимларни ўзлаштиришга, ижтимоий-касбий фаолият юритишга қодир бўлган мутахассис шахсдир. Шахсни шакллантиришда олий таълим фақат илм-фан муассасалари эмас, балки мамлакат минтақаларининг маданий-таълимий, илмий-услубий, маънавий-маърифий марказлари ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон таълим тизими мустақиллик йилларида жиддий таркибий, ташкилий ва маъно-мазмун ўзгаришларга юз тутиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айниқса, таълимда замонавий инновацион педагогик технологияларни жорий этиш, дарс машғулотларини самарадорлигини ошириш бугунги кунда ўта кечиктириб бўлмайдиган муҳим масаладир. Ёшларни ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб етишишида жисмоний маданият таълимини миллий қадриятларга таянган ҳолда замонавий кўринишда ташкил этиш, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, соғломлаштириш, жисмоний камолот, жисмоний ривожланиш, саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда янгича ёндашув асосида ўтказишни тақозо этмоқда. Жисмоний тарбиянинг вазифаси соғлиқни сақлаш, жисмоний сифатларни ўстириш, ёш авлодни ақлий ва жисмоний меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдан иборатдир. Бу ғоя узоқ ўтмишдан ота-боболаримизнинг маънавиятида акс этиб келган.

Маълумки, жисмоний маданият тушунчаси - халқ маданиятининг бир соҳаси сифатида эътироф этилади. Жисмоний маданият инсоният томонидан тўпланган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси, ундан кишиларнинг камолоти учун кенг фойдаланиланиш мақсадга мувофиқдир. бунинг учун жисмоний камолотга эришишни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ва улардан рационал фойдаланиш зарурати мавжуд. Шунингдек, жисмоний маданият жамиятнинг ривожланишида маълум хизматларни ҳам бажаради:

* Инсон ҳаракат фаолиятини рационал меъёрини белгилаш;

* Жисмоний тарбияга оид маданий ахборотни тўплаш хизмати ва уни авлоддан-авлодга узатиш ва тарқатишга воситачилик қилиш;

* Шахслараро мулоқот, ўзаро алоқа (коммуникативлик) муносабатларини шакллантириш;

* Шахснинг ҳаракатлари эстетикаси талабини қондириш билан боғлиқ (эстетикага оид) хизмати;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1050-1054

* Шахснинг доимий ҳаракат қилишга бўлган табиий талабини қондириш билан боғлиқ бўлган ва унинг кундалик турмуш учун лозим даражадаги жисман-яроқлилик ҳолатини таъминлаш (биологик) каби хизматларни амалга оширади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Жисмоний маданиятнинг бошланғич замини шартли равишда мактабгача ва умумий таълим мактабларида яратилади. Бу билан мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида, умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларида жисмоний маданият ўқув дарси сифатида амалга оширилади. Бу ўз навбатида умумий жисмоний маълумот учун асос яратади, жисмоний қобилиятларининг ҳар томонлама ривожланиши, мустаҳкам соғлик базасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Бу шахс учун ҳар томонлама зарур бўлган жисмоний салоҳият даражасининг асосини яратишга кафолат вужудга келади.

Мактаб жисмоний маданияти эса ўқувчи жисми тарбияси учун асосни шаклланишига пойдевор вазифасини ўтайди. Шундай экан жисмоний маданият таълимини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ташкил этиш таълимнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Таълим технологияларини жисмоний маданият таълими жараёнига жорий этиш, балки ўқитувчилар жамоаси педагогик маҳоратини доимий ошириб боришни, ўқув-тарбия жараёнини юксак назарий-услубий даражада амалга оширишга тайёрлашни, ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор усуллари, шакллари ва воситаларини қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутади**.** Бироқ, кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам таълим муассасаси ўқитувчи - мураббийларида «Педагогик технология» тушунчасининг ягона шакл-тамойилини шакллантиришда ва кадрлар тайёрлаш тизимида унинг ўрнини, таълим жараёнининг яхлитлиги ва ҳар бир аниқ машғулотдан самарали натижага эришиш ва уни англаб етиш мураккаб кечмоқда. Шуни алоҳида такидлаб ўтиш зарурки, фан-техника ва технология шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда таълим муассасалари профессор - ўқитувчилари олдида катта масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Бу борада 2018 йил 5-июньдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш учун замин яратди. Албатта, мазкур

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1050-1054

ҳужжат рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Олий таълим тизимини ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилишига асос бўлади. Шу нуқтаи назардан таълим тизимида илғор инновацион педагогик ва ахборот технологияларини бевосита таълим жараёнига қўллаш ва ундан самарадорликка эришиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ХУЛОСА

Шундай экан, жисмоний маданият таълим тизимида ўқитишнинг замонавий усул, воситалари ҳамда технологияларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида таълим тизимида қўлланилиб келинаётган ўқитиш усул ва технологиялари кўрсатиб ўтилган. Асосий педагогик усул ва технологиялар:

1. Анъанавий таълим (синф-дарс шакли, монологик, ахборотни узатишнинг бир томонлама йўналтирилган схемаси).
2. Интерфаол усуллар.
3. Ноанъанавий усуллар.
4. Таълим технологиялари.
5. Таълим йўналишлари бўйича таълим технологиялари.
6. Педагогик жараённи ахлоқий-шахсий йўналтирилганликка таянувчи педагогик усуллар.
7. Муаммоли таълим;
8. Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкиллаштиришга асосланган педагогик усуллар.
9. Дидактик малака ошириш ва материални реконструкция қилиш асосидаги педагогик усуллар.
10. Ўқув фанлари бўйича педагогик усуллар.
11. «Энг яхши йил ўқитувчиси» муаллифлик педагогик усуллари.
12. Муқобил усуллар.
13. Табиатга мос келувчи усуллар.
14. Ривожлантирувчи таълим усули.

Тажрибаларга асосланиб хулоса ўрнида айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимининг барча муассасаларида жисмоний маданият дарсларида фаол қўлланиланилиши тавсия этилаётган дарс беришнинг янги метод, усул ва инновацион технологияларини амалиётга кенг жорий этиш орқали кўзланган натижаларга эришиш имконияти ошади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1050-1054

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги NПҚ-3775 - сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
2. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. Дарслик. Т2005.168 бет.ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2005 й.
3. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. Тошкент: 2015. – 208 бет.
4. Тожиев М., Хуррамов А. Таълим жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган замонавий таълим усуллари. Методик тавсиянома. Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 96 бет мат.
5. Maqsud SHermatov (2020) Bo’lajak jismoniy tarbiya o’qituvchilarini tarbiyalashda innovatsion yondashuvlar. Xalq ta’lim №3 78-84 b
6. M.N.Shermatov (2020) Uzluksiz ta’lim muassasalarida «uzbol» sport o‘yinini kiritishning xususiyatlari to‘g‘risida. «U zluksiz ta ’lim» 82-86. B
7. M.N.Shermatov (2020) Innovasion faoliyat zamonaviy o'qituvchiga qo'yilgan-jamiyat talabi. №1 Maktab va hayot. 10-11 b
8. M.N.Shermatov (2021) Umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quv dasturida voleybol darsining ahamiyati Xalq ta’lim №5 24-27 b
9. М.Н.шерматов (2021) Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашувлар. ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL 1187-1193 б